# ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ — ДАВР ЭҲТИЁЖИ

(Боши 1-бетда).

лик мумкин эмас. Бу халқ журъати, халқ шиддатидир. Халқимиз бундай журъат ва шиддатни мустақилликдан олди. Мустақилликнинг бундай улуғвор неъмати ардоқланмоғи, эъзозланмоғи, шарт.

Ҳозиргача ҳукм сурган мафкура Ватан ва ватанпарварлик ҳиссини, миллат ва миллат ҳиссини, улардан ифтихор қилиш ғururини хиралаштиргани сир эмас. Бугун биз шунга эришмоғимиз лозимки, фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизда Ўзбекистонлик бўлганидан, шу миллат, шу юртга даҳлдорлигидан фахрланиш туйғулари очиқ кўринсин, уларнинг кўнгиллари шу олов билан ёнсин, шу машъал билан порласин. Уларнинг қалбидан чиққан ёлқин бошқаларни ҳам иситсин, ўша машъал нуридан атрофдагилар ҳам баҳраманд бўлсин.

**Б. ТЎХЛИЕВ:** — Мустақиллик мафкураси маънавиёти бутун, дунёқараши кенг, эътиқоди собит кишилар туфайлигина кенг қанот ёйиши, куч олиши мумкин. Шунга кўра, биз дастлаб ёшларимизнинг, қолаверса, бутун жамиятимиз аъзоларининг илм ва маърифатга бўлган қарашларини ўзгартирмоғимиз керак. Жамиятимиз миқёсида китобхонлик ва саводхонлик даражасининг кўтарилишига эришмоғимиз шарт. Худди шу мақсадда матбуот нашрларидан, нашриёт ва босмахоналар имкониятларидан, радио ва телевидениедан унумли фойдаланмоғимиз жоиз.

Бугунги ўзгариш ва янгиланишларни англаб етмаётган ёхуд уларни тан олишни истамаётганлар ҳам ўз фикрларини ёйишга уринишни бежиз эмас. Мустақиллик мафкураси ана шу таги бўш фикрларни қўпориб ташлаш учун хизмат қилмоғи керак. Аммо бу ўз-ўзича бўладиган иш эмас. Оддийгина Ватан туйғусини олайлик. Оддий, аммо муқаддас Ватан туйғуси бир қадар хиралашиб қолганлиги сир эмас. Зеро, шоир айтганидай «ёлғон саодат, ёлғон эрк, ёлғон ватан» бу муқаддасликка гард юқтирган эди. Аммо бугун, Ўзбекистон ўз истиқлолига эришган замонда ана шу туйғулар яна ўз ўзанига келиб тушмоқда, томирларда она-ватанга муҳаббат жўш урмоқда. Мустақиллик мафкураси ана шу туйғуларни ҳаракатга солмоғи керак. Ҳозирги ўзбекларнинг қадим бобокалонлари бўлмиш туркийлар замонидан келаётган буюк бир анъана бор. Бу Ватанга муҳаббат, она-юртга бўлган чексиз садоқат, шу Ватанга тегишли бўлган ҳар бир нарсага даҳлдорлик. Агар киши ватанига тегишли бўлган ҳодисаларга бефарқ қарар экан, ватан ичидаги ўзгаришлар унга фарқсиз экан, бу фақат шахс тақдиридаги фожеа эмас, айни пайтда Ватан тақдиридаги Буюк Қисматидаги ночорлик ҳамдир. Бундан бир минг уч юз йил чамаси олдин ёзилган Тунюқуқ битигтошида мамлакат ҳақида гапириб туриб «ҳоқони алп экан, маслаҳатчиси доно экан» деган мақтовни кузатамиз. Аслида ана шу мақтов тагида ҳоқони алп бўлган, маслаҳатчилари доно бўлган мамлакат — Ватанга даҳлдорликдан ифтихор ҳислари ёлқинланиб турибди. Худди ана шу даҳлдорлик туйғулари мамлакат душман хавфи остида қолганида Тунюқуқ тилида «тун яна ухлагим келмас эди, кундузи ўтиргим келмас эди» деган сўзларни такрорлашар эди. Худди ана шу туйғу Тунюқуқни «оз халқни кўпайтиришга, чиғой (камбағал) халқни бой қилишга» ундаб турар эди. Демак, ватан туйғуси, ватанпарварлик айни пайтда элсеварлик, ғамхўрлик, фидойилик, эзгулик каби юксак инсоний туйғулар билан ҳам чамбарчас боғланиб кетади.

Булар яна бир мулоҳазани хаёлга келтиради, яъни ўтмишда яратилган буюк обидаларимиз, улкан ва бой маданий меросимиз ҳам бугунги истиқлол мафкурасига тўла хизмат қилиши мумкин. Зеро, миллий заминга таянадиган мафкура собит ва устивор бўлишига шубҳа йўқ. Қолаверса, ҳар қандай мафкура адабиёт ва санъатсиз кўзи кўр, қулоғи кар бўлишга маҳкумдир. Не бахтки, ўзбеклар ёзма адабиёти минг йилликлар билан ўлчанадиган халқлар сирасига мансуб. Ана шу улкан адабиётимизда халқ руҳи, унинг орзу-ўйлари, мақсад-интилишлари, қизиқиш ва эҳтирослари, дард ва аламлари акс этган. Унда миллий қадриятларимиз, кўп асрлик анъаналаримиз ўз ифодасини топган. Бежиз эмаски, бугун Ўзбекистон истиқлол ҳавосидан нафас олаётган пайтда, жамиятда ўтмишга теран назар билан боқиш, бой маданий меросимизни янгича идрок ва мушоҳада этишга интилиш кучайиб боряпти. Бу фақат илмий-маърифий эмас, айни пайтда маданий-маънавий жиҳатдан ҳам беқиёс аҳамиятга моликдир. Ўтмишга, ўтмиш ҳодисаларига нисбатан онгли назар ҳам аслида мафкура билан чамбарчас боғлиқ. Ўтмишга нисбатан бир ёқлама қарашлар ҳам собиқ тоталитар тузум мафкураси билан боғлиқ эди. Истиқлол мафкураси эса ана шу бирёқламаликка, ўтмишга тош отишга барҳам бермоғи лозим. Биргина мутафаккирларимиз қолдирган буюк меросни эслайлик. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Анбар Отинларнинг қолдирган мероси бугунги Ўзбекистонликларнинг ҳам маънавий мулкидир. Улар тарғиб этган юксак миллий-маънавий қадриятлар, умри боқий анъаналар бугунги жамиятимиз учун ҳам муҳим ва мўътабар. Албатта, уларнинг барча фикр ва қарашлари ҳеч истисносиз бугунги кунимизга тадбиқ қилиниши керак деган талаб ҳеч ким томонидан қўйилмайди. Бундай қилиш тўғри ҳам бўлмас эди. Аммо улардаги рационал мағизнинг ҳозирги кунимизга асқотишини ҳам инкор этмаслик керак. Айниқса, юксак инсоний фазилат ва туйғулар ифодаси, Ватан таърифи ва ватанпарварлик туйғулари тараннуми кўнгилларга ҳузур ва ифтихор беришини унутмаслик, айни пайтда, улардан унумли фойдаланмоғимиз керак.

**А. НАБИЕВ:** — Тарих саҳифаларидан ўрин олган эрамиздан аввалги II ва эрамизнинг I асрларида Ўрта Осиёда шакллана бошлаган туркий қабилалар бағрида, X—XII асрларда туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг ташкил топиши ва бу халқлар XV — XVI асрларга келиб яратган тарих ва маданиятни ўрганмай туриб, халқимиз мафкурасини мукаммал яратиб бўлмайди. Мана шу муҳим жараёнларни баён этишда тарих фанининг ўрни бениҳоядир.

Ҳозирга қадар тарихимизда юз берган воқеа ва ҳодисалар ё бир томонлама, ёки мутлақо бузиб кўрсатилди. Мавжуд тарих ашёвий далиллар: археология, нумизматика, гералтдика, этнография, антропология фанлари ютуқларига эмас, балки «қизил қолип»га туширилган нохолис тарих тарғиботчиси бўлиб келди.

Ўрта Осиёни шафқатсизлик билан, аёвсиз қон тўкиш орқали босиб олинишини, ихтиёрий қўшилиши ёки қўшиб олиниши, деб талқин этилди, қўшиб олиниш прогресси аҳамияти ижобий баҳоланди.

Биз кўп асрлик ўтмишимиздан деярли узилиб қолдик. «Ўтмишни билмаган халқнинг қадри йўқ, қадрияти йўқ халқнинг келажаги йўқ» деган азалий ҳақиқатни унутдик. Шунинг учун ҳам истиқлол мафкурасида Ватан тарихи, миллат тарихи қандай бўлса, шундайлигича рўй-рост яратилмоғи керак.

**Ё. ЯКВАЛХЎЖАЕВ:** — Биз собиқ СССР тарихида яшаганимизда «Иқтисод нима, унинг моҳияти нимадан иборат?», каби масалаларга эътибор бермаганмиз, уни чуқур англаб етмаганмиз. Натижада мамлакат сиёсатининг бутун йўналиши аҳолини давлатнинг фаолияти ва қарорларини маъқуллашга қаратилган, сиёсат ва мафкура эса мамлакат бошқарувининг ҳал этувчи тармоғини эгаллаган эди.

Бугун мустақил жумҳурият ҳисобланган Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат бошқарувига қаратилган Конституция қабул қилинди, мафкуранинг тўла ва ҳокими мутлақ тарзидаги тизимидан воз кечилди. Иқтисод сиёсатнинг зуғумидан ҳоли бўлиб, мамлакат тараққиётининг йўналишини белгилайдиган асосий омилга айланди.

Мафкуранинг номи — мустақил жумҳуриятнинг миллий истиқлол мафкураси деб аталмоғи лозим. Бу мафкура ижтимоиятнинг ҳамма соҳаси (тарбия, илм-фан, оила, адабиёт, санъат ва бошқалар)да ўз таъсирини кўрсатмоғи лозим.

Биз қуйида мана шу миллий истиқлол мафкураси адабиёт ва санъат соҳасида қандай бўлмоғи керак? — деган мавзуда бир қанча тезисларимизни баён этамиз.

**Биринчидан**, собиқ социализмнинг адабиёт ва санъатга нисбатан ҳукмрон мафкураси социалистик реализм ижодий методида ўз ифодасини топган эди. Унинг энг асосий принципларидан бири: «Адабиёт ва санъат шаклан миллий, мазмунан социалистик характердадир».

Бу қоида адабиёт ва санъатни тамомила мафкура ва ғоянинг қурбони бўлишига олиб келди. «Шаклан миллий» деган талаб, биринчи навбатда адабиётнинг миллийлигини, унинг моҳиятини инкор этди, уни моҳият ва маънодан узоқлаштирди. Шунинг учун ҳам миллий истиқлол мафкурасининг адабиёт ва санъатга бўлган талаби мана шу социалистик реализм қоидасига қарама-қарши ўлароқ, адабиёт ва санъат, миллат ва халқ руҳини ифода этгани учун ҳам, у ҳам мазмуни, ҳам шаклан миллий бўлмоғи лозим.

**Иккинчидан**, миллий истиқлол мафкураси адабиёт ва санъат, маданий меросга бўлган муносабатда уни турли ғояларга мослаштириши, ҳатто миллий истиқлол мафкурасининг қайсидир қоидаларига мос келмаган тақдирда ҳам инкор қилиши мумкин эмас.

**Учинчидан**, «Ҳар бир халқда икки хил маданият бўлади» деган тезис ва ленинча ғоя миллий истиқлол мафкурасига зиддир. Бу ғоя бир миллатни сунъий тарзда иккига ажратиб, бир халқ ва бир миллатни бир-бирига душманлик руҳида тарбиялашга қаратилгандир. Аслида ҳар бир миллатнинг ўз тарихий тараққиёти давомида ўсиб, ривожланиб, шаклланиб келаётган ягона умуминсоний маданияти мавжуддир. Истиқлол мафкураси мана шу йўлни маъқулламоғи лозимдир.

**Тўртинчидан**, Миллий истиқлол мафкураси «дин инсон учун афюндир» деб аталмиш зарарли шиорни тан олмаслиги, аксинча, барча диний таълимларда, айниқса, ислом дини таълимотида, Қуръони Карим, ҳадисларда умуминсоний ғоялар улуғланганлигини, унга даъват этилганини маъқулламоқ лозимдир. Классик адабиётимиздаги диний таълимот асосидаги оқимларни, айниқса, тасаввуф таълимотини, унинг исёнкорлик ва инсонпарварлик руҳидаги мумтоз адабиёт намуналарини, унга нисбатан эскича муносабатдан ажратиб, унинг ҳақиқий баҳосини бермоғи лозим.

**Бешинчидан**, миллий истиқлол мафкураси миллатнинг миллий урф-одатларини, унинг қадимдан давом этиб келаётган қадриятларини халқ ва миллатнинг руҳиятини белгиловчи асосий мезон сифатида қабул қилмоғи лозим.

**Олтинчидан**, дунёдаги барча илғор адабиёт, жумладан, Оврупо адабиёти, айниқса, рус босқини билан бирга кириб келган ва адабиётимизнинг деярлик ҳамма истеъдодли вакиллари ҳурмат билан қараган, унинг энг яхши намуналарини ўз она тилига таржима қилган, классик рус адабиёти, Октябрь тўнтаришидан сўнг яратилган рус ва бошқа қардош халқлар адабиётининг нодир намуналарига (Шолохов, Чингиз Айтматов, Межелайтес, Распутин, Авезов ва бошқалар) миллий истиқлол мафкураси ижобий муносабатда бўлмоғи, унинг адабиётимиз ривожида муносиб аҳамият касб этганини тан олмоғи лозим.

**Еттинчидан**, Марказий Осиёдаги (IX—XV асргача бўлган) уйғониш даврининг Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Навоий, Улуғбек каби буюк мутафаккирлари ижодини миллий истиқлол мафкураси умумтурк адабиётининг маҳсули сифатида қабул этмоғи лозим. Бу улуғ сиймолар баҳонасида турли халқлар ўртасига солинадиган барча нифоқларни, бузғунчиликларни истибдод мафкурасининг ғайриинсоний хатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиққан номаъқул ишлар деб қарамоғи лозим. Умумтурк адабиёти ва санъатини, улар ўртасидаги яқин ҳамкорликни шакллантириш миллий истиқлол мафкурасининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлмоғи керак.

**Саккизинчидан**, Адабиёт ва санъатнинг синфийлиги, партиявийлиги, ҳатто, унинг халқчиллиги ҳам социалистик тузумининг бадиий адабиётга мажбурий тарзда олиб кирилган йўриғи эканлигини миллий истиқлол мафкураси тан олмоғи ва бу каби адабиётга зўрлик билан ҳукм ўтказишлардан воз кечмоғи лозим.

**Тўққизинчидан**, Октябрь тўнтаришининг дастлабки йилларида юзага келган жадидчилик ҳаракати ва унинг вакиллари (Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний кабилар) фаолияти ва ижодини, миллий истиқлол мафкураси, аҳолини маърифатга етакловчи, адолатсизликка қарши чиқувчи илғор ҳаракат ва адабиёт сифатида талқин этмоғи лозим.

**Ўнинчидан**, Ҳамза Ҳакимзода ижоди асосида, уни социалистик реализм адабиётининг асосчиси деб атаб, сунъий тарзда шакллантирилган йўл ва йўналишдан миллий истиқлол мафкураси воз кечмоғи, унинг адабиётдаги ўз ўрнини тикламоғи даркор. Миллий истиқлол мафкураси яна Октябрь тўнтаришининг дастлабки йилларида ҳамда 37-йилларгача бўлган адабиётда — прозада Абдулла Қодирий, шеъриятда Абдураҳим Сулаймон — Чўлпон, адабиётшунослик, драматургия ва мусиқада Абдурауф Фитрат ижоди етакчи ижодий йўналиш бўлганини таъкидламоғи лозим.

**Ўн биринчидан**, миллий истиқлол мафкураси социалистик реализм методи, деб аталган ва у мафкура ҳукмронлик қилган даврда ҳам собиқ совет ва миллий жумҳуриятлар адабиётида етук асарлар яратилганини, бу ижод намуналари социалистик реализм методининг доирасига сиғмаганини таъкидлаши лозим. Айни пайтда ўзбек адабиётида ҳам (Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Миртемир, Шайхзода) етук асарлар яратилганини ва у умумадабиётимизнинг бир қисми эканини таъкидламоғи керак.

**Ўн иккинчидан**, 1937 йил қатағонига учраган ва қатл этилган Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир каби истеъдодли адиблар ижодини янада мукаммал ўрганиш, уларнинг Октябрдан кейинги ўзбек адабиётига нечоғлик катта хизмат қилганини ва бу адабиётнинг тамал тошини қўйганини миллий истиқлол мафкураси таъкидламоғи лозим.

**О. МУСУРМОНОВА:** — Мафкура, айниқса, мустақил миллий мафкура бевосита таълим ва тарбия билан боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам, биз бу масалага оиладан, оилавий тарбияданоқ эътибор қаратмоғимиз жоиз. Зеро, ватаннинг остонаси оиладан бошланади, демак, оилада сингдирилган тарбия, шу юрт, шу ватан ҳақида берилган дастлабки, тушунчалар боланинг мурғак қалбида бир умрга муҳрланиб қолади. Қолаверса, оилавий анъаналар асосида бола дунёқарашининг шаклланиши ҳам назарда бўлмоғи керак. Туркий халқларда илгари шундай бир муқаддас урф мавжуд эди. Ҳар бир киши ўзининг етти аждодини билиши фарз эди. Бу таомил аждодлар қилган ишлар, улар қўлга киритган улкан ютуқлардан фахрлана билиш ҳиссини тарбиялашга хизмат қилади.

**У. МАҲКАМОВ:** — Муҳтарам Президентимиз И. А. Каримов «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади», — деб таъкидлаган эдилар. Ҳақиқатда ҳам, миллий анъаналарга садоқат шу миллат руҳи билан яшаш, унга мансуб ва даҳлдор бўлган барча нарсага алоқадорлик туйғуларини шакллантиради, шу миллат ютуқларидан ифтихор туйғусини юзага келтиради. Бу, айни пайтда, халқ тақдирига, ватан қисматига қайғуришни, шу ватан равнақи учун ҳисса қўшиш иштиёқини юзага келтиради. Ўз халқини севган, умуминсоний қадриятларга садоқат кўрсата биладиган кишилар жамият истиқболини кўра оладилар ва шунга муносиб ҳаракат қиладилар.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, маҳалла ҳам энг катта тарбия масканидир. Оиладаги тарбия маҳалладаги муҳит ва шароитлар туфайли мустаҳкамланади.

**М. ДАВЛЕТШИН:** — Бирон-бир жамият мафкурасиз яшаши мумкин эмас. Бугун миллий мафкура яратиш ҳақидаги масаланинг қўйилиши жуда ҳам ўринли. Бугун бизга қандай мафкура сув билан ҳаводек зарур?

Бу мафкура, энг аввало, инсонпарвар, дунёвий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўз ичига оладиган, илмийлик, холисликка асосланган, ватанпарварлик, демократия, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари каби тамойилларни юзага чиқарувчи мафкура бўлмоғи лозим.

Мафкура фақат мақсаднигина эмас, балки бу мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини ҳам ўзида акс эттирмоғи, уларни кўрсатиб бермоғи керак. Кишининг миллий руҳиясининг мустаҳкамланиши, миллий онг ва туйғуларининг такомилида мафкуранинг ўрни алоҳидадир. 1992 йилнинг декабрида Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси беҳад муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлатнинг илғор ғоялари ўзининг муносиб ўрнини топди. Унда инсон олий қадрият эканлиги эълон қилинди. Инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, ҳамияти ва барча ҳуқуқлари қайд этилди.

Бизнинг алоҳида ғамхўрлигимиз ёш авлод тарбиясига қаратилмоғи керак. Бу муҳим ишда мактаб алоҳида ўрин тутади. Айниқса, мактаб ўқув дастурларининг мазмунини янгилаш, миллий мактабни яратиш муҳимдир. Менинг назаримда, миллий мактаб шундай мактабки, унда халқ руҳи, миллий қадриятлари ҳукмрон бўлади, унда ёш авлод айни шу руҳда тарбияланади. Ўзбек халқида катталарни ҳурмат қилиш, назокат, ҳушёрлик, камтарлик, ҳамжиҳатлик, меҳмондўстлик, ўзаро ёрдам, тадбиркорлик кабилар тарбиядаги муҳим миллий жиҳатлардир.

Миллий мактаб концепциясида Ўзбекистоннинг миллий мафкурасининг тамойиллари ўз аксини топмоғи лозим. Унда умуминсоний қадриятлар (озодлик, мустақиллик, дўстлик, қардошлик ва бошқалар) ҳам, ўзбек халқининг миллий маданият, халқ педагогикасининг ютуқлари ўз ифодасига эга бўлиши керак.

**С. ЎТАНОВ:** — Халқимиз ҳозиргига ўхшаган вазиятни аввал ҳам бошдан кечирганини яхши биласиз. XI асрда ҳалифалик вайрона бўлган эди. Натижада кўпгина мустақил давлатлар пайдо бўлганди. Ўзингиз гувоҳсиз, собиқ СССР ўрнида бир-бирига ўхшайдиган ва ўхшамайдиган мустақил давлатлар вужудга келди.

Худди ҳозиргидек ўтмишда пайдо бўлган ёш мустақил давлатнинг ички ва ташқи душманлари шоҳ ва султонлари хатоларини, фуқароларнинг уқувсизлигини топишга ҳаракат қилишганди. Ҳозир ҳам шундай бўлмоқда. Лекин XI асрдаги мустақиллик мафкураси билан ҳозирги мустақиллик истаётган мафкура ўртасида сезиларли фарқ бор. У даврда вужудга келган мустақиллик сиёсати ва иқтисодий жиҳатлардан ҳалифаликка кирган, марказдан тўла ажралган, аммо ислом маданияти, мафкураси зонасида қолди.

Ўша вақтда ҳам худди ҳозиргидай халқ ўз орасидан мард, билимли, донишманд раҳбарлар етиштириб берди. XI асрда ҳам худди ҳозиргидай мустақиллик мафкурасини яратиш муаммосини ҳал қилишга киришиб, уни Юсуф Хос Ҳожибга ўхшаган буюк донишманд ўзининг «Қутадғу билиг»ида ифодалаган эди.

Давра суҳбатимизда сўзга чиққан нотиқлар таъкидлаганидек, мафкура ишини билимдан бошламоқ керак. Бу иш иқтисодий аҳволимиз унча яхши бўлмаса ҳам, бугун янгилик деб аталадиган билимни ўзлаштиришга, унинг мустақиллик эҳтиёжини қондиришига ҳаракат қилинмоқда. Айтиш керак, бу ҳаракат ҳақиқий курашга тенг. Икки рақам билан фикримнинг тўғрилигини исбот қилишни истар эдим. 1985 йили бир йиғилишда раҳбарлардан бири ўзбекистонлик уч фуқаро хориж мамлакатларида таълим олаяпти деганда, залда гулдирос қарсаклар чалинган эди. Бугун минглаб ўзбеклар хорижий мамлакатларнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида билим олмоқда. Буни билган ҳар бир фуқаро қалбида қарсак чалмоқда. Демак, билим ҳамма вақт, айниқса, ҳозир мустақиллик мафкурасини шакллантириш ва одамлар эътиқодига айлантиришда ҳал қилувчи заминдир. Ўтмиш тажрибаси бизнинг бугунги интилишларимизга таянч ҳисобланади.

**Ж. ТУЛЕНОВ:** — Мафкурага эга бўлмасдан, унга асосланиб иш кўрмасдан ва суянмасдан туриб бирорта ҳам жамият яшай олмайди, унинг ривожланиши ҳам мумкин эмас. Одамлар қайси бир жамиятда, қайси даврда яшамасин, барибир, нимагадир эътиқод қилиши, қандайдир бир ғояга, таълимотга асосланиб иш кўриши, фаолият кўрсатиши керак-ку, ахир. Ҳаётда илмий назарияга, мафкурага эга бўлмаслик — келажак сари кўзни юмиб боришдир.

Истиқлол мафкурасига бўлган талаб эҳтиёжнинг моҳияти масаласида сўз борганда яна бир нарсага алоҳида эътибор беришга тўғри келади. Бу — истиқлол мафкурасининг нисбий мустақиллиги, яъни ўзини келтириб чиқарган, ривожланишини таъминлаб турган иқтисодий базисга, моддий муносабатларга нисбатан қолоқ, пассив эмаслиги ҳақидаги масаладир. Ҳар қандай мафкура сингари истиқлол мафкураси ўз навбатида ижтимоий турмушга, жамиятимиз ҳаётининг моддий шароитлари ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Мафкуранинг ижобий аҳамияти яна шундан иборатки, у жамиятимизнинг ривожланишини олға томон ҳаракат қилишини осонлаштиради, халқни, миллатни, барча фуқароларни бирлаштиради.

Истиқлол мафкураси, Президент Ислом Каримовнинг Республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида айтилганидек, «... бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғururу-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Маълумки, аниқ, ҳаммани жипслаштирувчи, бошни бошга қўшувчи ягона мақсад бўлмаса, эл-юрт тарқаб, сочилиб кетади».

**Қ. ЭРГАШЕВ:** — Миллий мафкурамизнинг ҳаётга тадбиқ этишда матбуот, радио, телевидение, халқ маорифи тизимидаги барча ўқув юртлари, жумҳуриятимизда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилотлар, борингки, ҳар бир инсон ўз улушини қўшиши керак.

Яъни у ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўймоғи лозим:

— Инсоний мезонларни ғоят лўнда ва пурмаъно таърифлаб бериш, халқимизнинг асрий ўй-орзулари ва эзгу ниятлари чуқур илмий асосланган ҳолда лўнда, айни вақтда тўлақонли ифодалаб бериш, булар хусусида олимлар ва зиёлилар, ишчилар ва деҳқонлар, фахрийлар ва ёшларнинг холис фикрларини баён этиш;

— Халқимизнинг фаровонлиги ва бахтиёр турмушини таъминлаш кўзда тутилган режаларнинг изчил турмушга тадбиқ этилишини матбуотда ёритиб, кенг омма онгига етказиш;

— Бунёдкорлик меҳнатини рағбатлантирувчи, тинч ва эзгуликка чорловчи, элни қовуштирувчи жарчилик ролини бажариш;

— Матбуот, радио ва телевидениедаги тарихий чиқишлар жиддий ва салмоқли, чуқур мазмунли, муҳим ижтимоий воқеалар, ўткир муаммоларга асосланган, нуфузли фикрли ишларимиз эса кенг халқ оммасининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиши;

— Халқимизнинг ноёб маънавий қадриятлари ҳисобланиши ҳалоллик, поклик, иймон-эътиқод, раҳм-шафқат, мурувват кабиларни тараннум этган ҳолда, халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этиб, жиноятчиликнинг барча кўринишларига қарши беаёв кураш олиб бориш ҳамда ёшларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш;

— Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, порлоқ истиқболимиз пойдеворини ўрнатиш учун бутун халқ, бутун жамиятни жипслаштиришга хизмат қилиш, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, тарафкашлик кўринишларига зарба бериш;

— Истиқболимизни кўролмай, тирноқ остидан кир излаб, тош отишга интилаётган баъзи оммавий ахборот воситаларининг кирдикорларига ўз вақтида зарба беришни изчил олиб бориш;

— Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон майдонидан ўрин олган бир пайтда, республикамизни дунё халқларига атрофлича таништириш, бунинг учун чет элга чиқадиган нашрларни кўпайтириш, бир неча тилларни биладиган етук журналист кадрларни тарбиялаш.

**К. ЮСУПОВ:** — Мустақиллик мафкурасида, энг аввало, «Мустақиллик бизга нима берди?» деган саволга аниқ ва лўнда жавоб ўз аксини топмоғи керак. Ҳуррият бизга берган маънавий эркнинг моҳияти очиб берилиши, миллионларнинг онгига етказилмоғи, бунинг учун «Биз ким эдик, киммиз ва эртага ким бўламиз?» деган саволнинг жавоби ҳар бир кишининг қалбида тўлиқ суратланмоғи керак. Умуман, истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари сифатида қуйидаги йўналишларни таъкидлашни истардим:

— Иқтисодий билимлар тарғиби;

— миллий анъаналар, қадриятлар ва миллий ўзлик тарғиби;

— маънавий камолот тарбияси;

— Ватанга муҳаббат тарбияси;

— Она-ватан тарихи, тили ва адабиётидан ифтихор туйғуси тарбияси;

— Умуминсоний қадриятларга садоқат тарбияси;

— истиқлолга масъулликни таркиб топтириш.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзининг яшаши, фаровонлиги учун имкон бераётган манбаларнинг қаердан ва қандай тарзда яратилаётганлигини тўғри тасаввур қила билсагина бу манбаларнинг қадрига ета билади. Бир сўз билан айтганда, иқтисоддан бохабарлик жамиятнинг олға силжишига кўмак беради, жамият аъзоларида эса бурч ва масъулият туйғуларини шакллантиради. Шунинг учун иқтисодий билимлар тарғиби Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим тамойиллардан ва узлуксиз жараёнлардан бири бўлиши керак.

Президентимиз «Маънавият йўқ жойда — тараққиёт йўқ», деб жуда тўғри таъкидлади. Жамият аъзоларининг камолоти мустақилликни мустаҳкамлаш ишининг энг асосий қисми деб айтилса, муболаға бўлмайди. Маънавий комил кишигина эрк қадрини, эл қадрини теран англайди ва, айни пайтда, бунинг бошқалар томонидан англашилиши учун ҳам имкон яратади.

Ватанга муҳаббат ҳам аслида маънавий комиллик билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, ҳадиси шарифларда таъкидланганидай «Ватанни севмоқ иймондандир». Киши чин муҳаббат қўйган нарсасинигина муқаддас деб билади, уни авайлаб асраш учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр туради. Бу муҳаббат қўйилган нарсанинг моҳияти севгучига кундай равшан бўлсагина, шу муҳаббатнинг умри узун бўлади. Албатта, муҳаббат туйғуси гўдакликдан бошлаб шаклланса, у сўнгги нафасгача собит ва боқий бўлади. Истиқлол мафкурасидаги муҳим тамойиллардан бири ватанга муҳаббатни тарбиялаш бўлиши шунинг учун ҳам мантиқийдир. Буларнинг барчаси она тарих, қадим маданият ва улкан маънавий меросга бўлган ҳурмат ва ифтихорнигина тарбиялаб қолмасдан, айни пайтда ҳар бир кишида ана шу муқаддас туйғуларни, она-ватанга, эл-юртга даҳлдор бўлган барча нарсаларни қадрлаш масъулиятини ҳам шакллантиради. Муборак истиқлолимизнинг энг муҳим ғаними лоқайдлик, ҳодисаларга бефарқлик эканлигини эсдан чиқармаслик лозим Истиқлолни истиқлолнинг ўзидай буюк ва беқиёс масъулият билангина асраш, мустаҳкамлаш ва авлодларга етказиш мумкин.

Ўзбекистонимизнинг дадил қадамлар билан истиқбол сари одимлашида жаҳон ҳамжамиятининг илғор тажрибалари мадад бериши табиий. Умумуинсоний тажрибалар ва қадриятларга фаол муносабат тарғиби истиқлол мафкурасидаги муҳим бир тамойилдир.

Ўзбекистон истиқлоли мафкурасининг асосий тамойилларини белгилашнинг ўзи билан иш битмайди. Бу мафкуранинг курашчан, фаол мафкурага айланмоғи учун у мунтазам ишламоғи зарур. Энди мафкурани амалга оширишнинг йўллари ҳақидаги масала келиб чиқади. Истиқлол мафкурасини ишлаб чиқишдаги муҳим ўринлардан бири ҳам шудир.

**ТАҲРИРИЯТДАН: Инсоният тарихий тараққиёти шундан далолат берадики, ўз мафкурасини яратмай, унга асосланмай, суянмай ҳеч бир жамият тўкис яшай олмайди. Мафкура — мақсадлар, ҳаётий амаллар мажмуаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг миллий истиқлол мафкурасини яратишни даврнинг энг муҳим вазифаси сифатида ўртага ташлаганлиги ана шу ҳаётий эҳтиёжлар ифодасидир.**

**Зотан, истиқлол мафкураси — бу мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли, жаҳон мамлакатлари силсиласида тутган ўз ўрни, ўз маънавий қиёфаси. Демак, мамлакат учун маънавият қанчалик аҳамиятли бўлса, сиёсат ҳам шунчалар муҳим. Энди бу сиёсат XXI аср остонасида турган мустақил Ўзбекистон сиёсатидир.**

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти бир гуруҳ таниқли олимларининг эътиборингизга ҳавола этилган давра суҳбати истиқлол мафкураси узвий қисмларини шакллантиришга оид ана шундай фикр-мулоҳазалар баён қилинганлиги билан эътиборга лойиқдир.**

**Давра суҳбатида тўғри таъкидланганидек, истиқлол мафкураси миллий ва умуминсоний қадриятларга таянмоғи, давлат бошқарувининг миллий-анъанавий, жаҳоний мезонларига мувофиқ бўлмоғи лозим.**

**Эртанги кунимиз учун мамлакатимизда яшаётган барча фуқаролар бирдек масъул, демак, у муштарак мафкура, яъни умумдавлат мафкурасидир. Шуни унутмаслик керакки, мустақилликни маънавий комил кишилар таъминлайди. Миллий истиқлол — бу миллий ғурур ҳам демакдир. Миллий ғурур эса мактабда, оилада, маҳаллада шаклланади. Миллий мактаб мазмунан шарқоналик касб этган, тарбия таълимдан устивор — ҳамжиҳатлик, хушмуомалалик, меҳмондўстлик, ўзаро ёрдам каби миллий анъаналар, ўтмиш мутафаккирларининг илғор қарашлари, халқ педагогикаси тажрибаси, умуминсоний қадриятлар тажассумидан иборат маскандир. Шу боисдан ҳам, мактаб жамиятга миллий мафкура ўчоғи бўлиб хизмат қилади.**

**Истиқлол мафкураси ана шу жиҳатларига кўра педагогик ходимлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бинобарин, халқ таълими ходимларининг истиқлол мафкурасини шакллантиришга оид фикрлари, аниқ таклиф ва мулоҳазалари муҳим аҳамиятга эга. Таҳририят ана шундай таклиф ва мулоҳазаларни бундан буён ҳам газетамиз саҳифаларида эълон қилиб боради.**

• *«Таълим тўғрисида»ги Қонун—ҳаётга!*

# МАЪРИФАТ ҚАЛҚОНИ

«Останкино» ва бошқа манбалар каттаю кичикни мулкпарастлик, миллионерлик дардига мубтало бўлишга чорлаётган бир пайтда, илм-маърифат аҳамияти ҳақида сўзлашимиз кимларгадир эриш туюлиши мумкин. Лекин ҳақиқат мезони шу: маърифатсиз халқ энг қашшоқ халқдир. Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий каби комил аждодларимиз инсонийлик асосини маърифатда кўрганлар.

Биз оддий бойлик душмани эмасмиз. Одам одам қатори яшаши керак. Лекин мол-дунё деб маънавиятдан айру тушган кимса инсон суратидаги йиртқичга айланади.

Инсоний қусурлар ичида энг авфга нолойиғи субутсизлик, мунофиқликдир. Шу ўринда Ш. Рашидовнинг вафотидан кейинги саргузаштлар ёдга тушади. Тошкентга борганимизда унинг қабри атрофи ободонлаштирилаётганини кўрдик, бошқа сафаримизда эса мутлақо ўзгача манзаранинг шоҳиди бўлдик...

Мусулмончиликда вафот этганларнинг яхши томонларини эслаш тарғиб қилинади, нега энди марҳумлар ғийбати билан машғул бўлиш керак? Кимлардир сал аввалроқ узоқ ўтмишини қоралаб унвон олиш ҳаракатини қиларди. Энди эса яқин ўтмишда яшаганларни таҳқирлаш, беҳурмат қилиш эвазига обрў-эътибор топмоқчи бўляптилар. Марҳумларни таҳқирлаган кимсаларнинг эҳтимол бугуни бордир, аммо келажаги йўқ.

Айил ботса-да айтиш керак, айрим сохта зиёлилар фаолиятида иккиюзламачиликнинг ўзга кўриниши кўзга ташланмоқда. Энг ашаддий даҳрийлар, энг фидойи диндорлар қиёфасига кириб олмоқдалар. Улар астойдил тазарру қилиш ўрнига бошқаларни осийликда айблаш билан машғул бўлмоқдалар. Мусулмонлик — бу юксак мақом демак. Бу нуфузга фақат тавба, поклик, ҳокисорлик билан эришилади. Ва, бу мақомга сазовор бўлган инсон ўзгаларнинг айбини эмас, аввало ўз қусурларини кўради, буни тузатишга киришади. Бошқалар дилига озор беришдан дўзахдан қўрққандек қўрқади. Туркистон қиблагоҳи бизга насорога ҳам озор бермасликни васият қилиб кетганлар.

Биз наслимизни биздан кўра, Навоийга яқинроқ қилиб тарбирлашимиз керак. Ҳазрат Навоий ва у киши каби ҳақиқий эътиқод эгалари бир умр бир томонга қараб ибодат қилганлар. Меҳробларини замоннинг зайлига қараб алмаштирмаганлар.

Жумҳуриятимиз учун маърифат дастури вазифасини ўташи керак бўлган «Таълим тўғрисида»ги қонун айни муддао бўлди.

Афсуски, бу қонуннинг энг муҳим моддалари хусусида матбуот, радио ва телевидение орқали етарли тушунтириш олиб борилмаётир. Оқибатда ўқувчилар давомати мактаблар учун оғир муаммо бўлиб қолмоқда.

Таянч (тўққиз синф ҳажмидаги) таълимнинг мажбурийлиги маориф соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан биридир. Баъзи кимсаларнинг мактабни инкор этаётганликлари сир эмас. Улар барча ўқув даргоҳлари беркитиб қўйилса, дунёнинг бошқа мамлакатлари XXI асрга қадам қўйган бир пайтда бизнинг XIX асрга қайтишимиз мумкинлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Уларнинг айримлари илм олмоқнинг ҳар бир мусулмонга фарз эканини биладилар, лекин илм деганда фақат диний илмни тан оладилар. Ҳолбуки, илм Хитойда бўлганда ҳам ўрганишга даъват этилганда, у ерга ҳали ислом асослари етиб бормаган эди.

Бу ҳадис тафсирининг бир томони шулким, диний илмни чуқур ва тўғри англамоқ учун қомусий билим ҳам керак. Зеро, Қуръони Карим саҳифаларида жаҳон фанининг кечаги куни, бугуни, эртаси мавжудир. Агар ёшларимизни илм олишдан маҳрум этсак, жоҳил оломонга эга бўламиз. Бу пулпараст тўда на отаонасини, на устозини, на ёши улуғларни ҳурмат қилади.

Биз ёшларимизнинг дин асосларини ўрганишига, одобли, ахлоқли бўлишига тарафдормиз. Лекин эътиқодга, яъни динга тирикчилик манбаи деб қарамаслик керак. Баъзи уламолик даъво қилаётган, меҳнатга тоби йўқ, манфаатпараст кимсаларнинг зиёфатма-зиёфат чопишлари, таклифни ҳам кутмай, уй тўрига юзсизларча чиқиб олишлари фақат таассуф уйғотади, холос.

Ана шундай сохта олим — нафс бандаларининг «шарофати» билан юртда яна ортга қайтиш — эътиқодга лоқайдлик пайдо бўлмоқда. «Одамларнинг ёмони улар ичидаги уламоларнинг ёмонидир» («Ҳадис»дан). Чунки улар халқни маънавий инқирозга олиб борадилар.

«Таълим тўғрисида»ги қонунда дин тарихини ўрганиш учун мактабларда шароит ҳозирлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Шу йўналишда «Диншунослик асослари курси» дастури ҳам ўқув даргоҳларида тарқатилди. Биз ана шу дастур асосида рисоладагидек дарс ўтадиган муаллимлар хусусида ўйланиб қолдик. Ахир, бу ишни зиммасига олган киши барча динлардан воқиф, Қуръони Каримдан, Инжилдан, Тавротдан бохабар етук инсон бўлмоғи зарур. Вилоятларда бу иш август ойида бошланди. Ҳар бир мактабдан икки нафар тарих ўқитувчисини бир жойга жамланди, уларга пойтахтлик олимлар икки кун дарс ўтишди, тўғрироғи икки кунда «мутахассис» тайёрланди. Биз бу масала ғоят жиддий эканини, уни енгил-елпи ҳал қилиб бўлмаслигини мутасадди ўртоқларга маълум қилдик.

Вилоят халқ таълими бошқармаси, шаҳар халқ таълими бўлими бу борада ўз имконидаги ишларни амалга оширди: мактабларда дин тарихи ўқитилиши текширилди, шаҳарда семинар ўтказилди. Ҳозир мактаблар ҳам ўз шароитларидан келиб чиқиб бу борадаги илк қадамларини қўймоқдалар. Баъзи ўқув даргоҳларида уламолардан фойдаланиш ҳоллари ҳам бор. Бизнингча, ўқув даргоҳида ҳақиқий уламонинг ишлаши фойдадан ҳоли эмас, аммо биз юқорида айтиб ўтган сохта «олимлар»га ёшларни ишониб топшириб бўлмайди.

Илмнинг аҳамиятини тўғри баҳоламоқ учун жаҳоний кенгликларнинг ҳам баландпастини кузатмоқ даркор. Япония аталмиш Кунчиқар мамлакати барча давлатларни ҳайратга солади. Ҳатто Америка Қўшма Штатлари ҳам бу мамлакат билан тараққиёт соҳасида рақобатни уддалай олмаётир. Американинг собиқ президенти Ж. Буш бу борадаги аламини яшира олмади ҳам: у ўз наслининг ярмини омиликда айблади. ва маорифдан маблағни аямасликка чақирди.

Биз бугун мактабларимизнинг синдирилган дераза ойналарини қандай қилиб алмаштириш, қаердан маблағ топишга ҳайрон бўлиб юрибмиз. Сал аввалроқ «тош отарлар» мактабни атеизм уяси деб нишонга олар эдилар. Энди аксарият мактабларда ҳадис ёзилган битиклар бор, бу ёзувлар бор масканга қарата тош отиш ҳеч мусулмончиликка тўғри келармикин? Мактабларни ёмон отлиқ қилиб, ёшларни қўлга тош олишга даъват этаётган кимсалар совуқ хоналарда бегуноҳ гўдаклар қиш бўйи аёз исканжасида қолиши мумкинлигини билишмасмикан?

«Халқ учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир». Ғарб олимларидан бирининг бу фикри каттагина китоб қийматига тенг ҳикматдир. Мактабга қарата отилган тош, хоҳ у тўғри тош бўлсин, хоҳ таъна — дағдаға тоши бўлсин илмга, маърифатга, юртнинг келажагига қарата отилган тошдир.

Ўйлаймизки, бошқа вилоятлардаги ҳамкасбларимиз ҳам бизнинг муштарак муаммоларимиз билан танишишса, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб фаолият кўрсатсак, ҳаммамизга ҳам фойдали бўларди. «Маърифат» бу борада барчамиз учун мулоқот манзилгоҳи бўлиб қолар, деган умиддамиз.

**Ё. АҲМАДЖОНОВ,**
**Наманган шаҳридаги 25-ўрта мактаб директори, Ўзбекистон жумҳурияти халқ маорифи аълочиси.**



# СОҒЛОМ РУҲИЯТ

Мирзо Улуғбек туманидаги, 446-болалар боғчасида ёши элликлардан ўтган, малласоч, ўрта бўйли, очиқ чеҳрали аёл ишлайди. Унинг ҳатти-ҳаракатларидан юзкўзларидан ўз касбининг устаси эканлиги кўриниб турибди. боғча мудираси Саида Йўлдошева бу куюнчак аёл ҳақида ва боғчанинг бугунги кундаги фаолияти тўғрисида қисқача гапириб берди.

— Мақтанишга йўйманг-ку, боғчамизда кўпгина яхши ишлар қилинмоқда. Бу борада 20 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ижодкор ва изланувчан устоз Любовь Лапкованинг хизматларини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги кунда кўплаб тарбиячилар, муаллимлар тайёрлаш билим юртларида таълим олаётган ёшлар ундан амалий таълим олишмоқда.

Ҳозир боғчамизда 235 нафар кичкинтойга 24 мураббия тарбия бермоқда. Улар бола тарбиясидай оғир вазифани амалга оширишда Любовь Лапковадан олган сабоқлар қўл келаётганини яширишмайди.

Дарҳақиқат, 446-болалар боғчаси эришаётган ютуқларда ҳеч қандай сир йўқ. Фақат бу ерда оддийлик, самимийлик бор. Бу ерда болаларнинг комил инсон бўлиб етишиши учун фидойи инсонлар бор, соғлом руҳият бор!

**Солиҳ ЗОИР.**

СУРАТЛАРДА: Л. Лапкова боғча тарбиячиларига йўл-йўриқ бермоқда; Тарбиячи Л. Тихончева машғулот ўтказмоқда.

Муаллиф олган суратлар.



БИР ШИНГИЛ СУҲБАТ

# УСТОЗ

**Мен устознинг, муаллимнинг беминнат, ҳалол меҳнати ҳақида мудом ўйлайман, фикр қиламан. Шундай инсонлар олдида ҳамиша бош эгиш кераклигини дилдан ҳис этаман. Ана шундайлардан бири Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Ислом Усмонов номли 200-ўта мактабнинг кимё ўқитувчиси Маҳкам Илҳомовдир. Устоз 40 йилдан ошиқ давр ичида айнан бир мактабда ишлаб, юқори синфларга кимё фанидан дарс берадилар. Келинг, яхшиси, уларнинг ўзлари билан суҳбатлашсак...**

**— Устоз, мана салкам ярим асрдан бери ўқитувчилик қилиб келяпсиз? Бу касбнинг шарафи нимада-ю, машаққати нимада — ана шу хусусда сўзласангиз.**

— Қизим, дунёда халққа ҳалол хизмат қилишдан, зиё тарқатишдан ва яхши ном қолдиришдан ўзга шараф йўқ! Гап машаққат устида борадиган бўлса, ҳеч бир ҳунар ёки касб машаққатсиз бўлмас. Мен ўз касбимдан ҳеч қачон нолиган эмасман ва нолимайман ҳам. Чунки болаларни яхши кўраман. Уларни ўз болаларингдай кўришинг, севишинг ва қалбига йўл топа билишинг керак.

**— Тўғрику-я, аммо ҳозирги муҳитда тарбияланаётган болаларнинг барига ҳам шундай меҳр қўйиш мумкинми?**

— Бу гапингда жон бор. Ҳақиқатан ҳозирги болаларимиз кун сайин ўзгариб боряпти. Аммо ҳамма ўқувчиларга ҳам шундай баҳо бериш ва шундай хулосалаш хатодир. Зеро, шуни ҳам унўтмаслигимиз лозимки, «қовун-қовундан ранг олади» деган халқнинг ибратли ўгитиям бор. Гуручнинг ичида курмаги бўлгани сингари, бадхулқлар ҳам кўпайиб бормоқда. Бу жамиятнинг айби билан. Ҳамма ҳам ёшлар тарбиясига чуқур ёндашаяпти, уларнинг баркамол бўлишига интиляпти, деб бўлмайди. Тарбия нафақат муаллимнинг вазифаси, балки у умумхалқ иши эканлигини унутмаслигимиз керак.

Бир воқеа эсимга тушиб кетди; бундан 2—3 йил илгари жуда қаттиқ ва кетма-кет оғриб қолавердим. Ҳатто «сариқ касали»га ҳам чалиндим. Шунда ўқувчиларим синф-синфи билан мени кўргани боришди. Қувондим, бошим осмонга етди. Бир вақт улар ётган ҳолатимда юзларимдан чўлпиллатиб ўпа бошлашди. «Ҳой болам, қўй мени ўпма, юқади» дейман, қарашмайди. Улардан бири «Юқса, юқаверсин, устоз», деб юборди. Тўлиб турган эканман, бу гапни эшитиб кўзларимда ғилт-ғилт ёш ҳалқаланди. Қани, айт, бу меҳрни қандай изоҳлайман...

**— Сиз ҳақингизда ҳар ерда, ҳар қачон илиқ гап эшитаман. Ҳатто келинларингиз ҳам сизни ўз отасидай кўришар экан...**

— Бировнинг қизи ўз туғилган масканидан учирма бўлиб, сенинг оилангга қадам қўйдими, уни фарзанд қилиб олмоғинг лозим. Турмушда, оилада яхши-ёмон гап ўтиши муқаррар. Аммо ҳар бир муаммони яхшилик билан ҳал этиш лозимлигини, айниқса, биз катталар унутмаслигимиз керак. Бу биринчи галдаги вазифа бўлса, иккинчиси ҳар бир ёшни қўша қаритишга эътиборни қаратишимиз жоиз бўлади.

**М. АЗИЗОВА,**
**Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги М. Усмонов номли 200-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

*Янгилаш даври, — янгиланиш даври*

# НАТИЖАЛАР ЧАККИ ЭМАС

Жумҳуриятимиз шаҳарларида, имкон бўлган туманларида лицейлар, гимназиялар ва махсус мактаблар очилган. Бироқ қишлоқ шароитида лицей ёки гимназия очишга шароит бўлмаса нима қилиш керак? Бундай ҳолда ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчиларини қизиқишларига қараб турли хил йўналишлар бўйича ўқитишни бемалол йўлга қўйиш мумкин. Кимдир адабиётга қизиқса, кимнингдир физика ёки кимё соҳасида кашфиётлар қилишга лаёқати бор. Кимдир математикани яхши кўради. Лекин бу билан мен адабиётга қизиқиши бор ўқувчи физикадан мутлақо бехабар бўлиши керак, демоқчи эмасман. Ўрта мактаб дастуридаги барча фанларни ҳар бир ўқувчи бирдай ўзлаштиришини талаб қилиш номақбуллигини ҳаёт аллақачон исботлади.

Ўрта мактабда 10 йил ўқиб, етуклик аттестати олган йигит-қизларнинг мустақил ҳаётга мутлақо тайёр эмаслигини қандай изоҳлаш мумкин? Бирор касб эгаллаш учун улар яна 2—6 йил ўқиши лозимми? Бир вақтлар 8-синфни амал-тақал қилиб битирган ўқувчиларни билим юртларига «ҳайдаш» урф бўлган эди. Натижа шу бўлдики, айрим ота-оналар ўз болаларининг билим юртига кириб ўқишини ҳақорат деб қабул қиладиган бўлишди. Бунда ўқитувчиларнинг ҳам айби бор, албатта. Аълочи ўқувчилар орасида ҳам билим юртларига кириб ўқиб, бирор касбнинг бошини тутишга қизиқувчилар бўлиши мумкин эди-ку! Боз устига, билим юртини битирганлар олий ўқув юртларига кириб ўқиши мумкин эмас, деган гаплар пайдо бўлди ва билим юртлари остона ҳатлаб ўтишга ҳеч кимнинг юраги бетламайдиган бўлиб қолди.

Мустақиллик шарофати билан халқ таълими тизимига миллий урф-одатларимиз асосида шаклланган тарбия усуллари кириб кела бошлади. Ўрта мактабларда таълим бериш услубларини дунёдаги илғор мамлакатлар тажрибаси асосида қайтадан кўриб чиқиш имкони туғилди. 1992-93 ўқув йилида мен ўқитувчилик қилаётган Нурота туманидаги 29-ўрта мактабда 5-синф ўқувчиларини табақалаштириб ўқитиш тажриба қилиб кўрилди. Аълочи ўқувчилар бир гуруҳга, ёмон ўзлаштирувчилар бошқа гуруҳга, ажратилиб ўқитила бошланди. Натижалар чакки эмас. Иккала гуруҳда ҳам ўзлаштириш даражаси ортди. Муҳими, ўқитувчилар ҳар бир ўқувчи билан якка тартибда ишлаш имконига эга бўлди. Бу услубни келгуси ўқув йилида бутун мактаб бўйича жорий этмоқчимиз. Шу йўл билан таълим тизимини янги босқичга олиб чиқишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоқчи бўлаяпмиз. Шу ўринда яна бир истакни ҳам билдирмоқчимиз. Республикада ўзига хос услубда дарс ўтаётган, тажриба мактаби яратаётган ўқитувчилар кўп. Уларнинг иш тажрибаси ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари томонидан узлуксиз тарзда оммалаштирилса ҳамда илм масканларидаги ўқитувчилар эътиборига етказилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

**Нуриддин АРЗИЕВ,**
**Нурота туманидаги 29-мактаб ўқитувчиси.**

Узоқ йиллар давомида битмай келаётган ўқитувчилар уйи биноси бир йил ичида қаддини ростлаб, 1992 йилда фойдаланишга топширилди. Республика ўқув-методика маркази билан Ўқитувчилар уйи ўрин олган ушбу кошонада жумҳурият халқ таълими тарихи музейини ташкил этишдек хайрли иш бошлаб юборилди.

Республика халқ таълими тарихи музейи халқ маорифи ҳаётининг ёрқин кўзгуси бўлиб хизмат қилиши керак. Зотан, илм-маърифат йўлида фидойилик қилган қанчадан-қанча зиёлиларимиз бўлган. Улардан айримлари қатағон қилинган.

Бутун ҳаётини илм-маърифатга бахшида этган Меҳнат Қаҳрамонлари Оқилхон Шарофиддинов, Юсуфжон Усмонов, Маҳкамой Нарзиқулова, шунингдек, Аъзамхон Рустамов, Мирзақаюм Ҳакимов, Раҳимжон Усмонов сингари кўплаб фидойи педагогларимиз ўз ҳаётларини халқ маорифига бахшида этишди. Бундай мўътабар педагогларимизнинг меҳнат фаолияти, тажрибаларини оммалаштириш музей ходимлари зиммасига юклатилган. Бу машаққатли ва масъулиятли вазифани бажаришда кенг жамоатчилик ёрдами зарур. Шу мақсадда бундан 4 ой аввал «Маърифат» рўзномасида муштарийларга мурожаат қилинди. Унда шундай дейилган эди:

«Ҳурматли биродарлар! Ўз ташкилотингизда, шахсий архивингизда, уйингизда таълим-тарбия, тарихига оид экспонатлар (ҳужжатлар, гувоҳномалар, фотосуратлар, тошбосма ва қўлёзма китоблар, дарсликлар, турли даврларнинг газета ва журналлари, маиший, уй-рўзғор буюмлари, машҳур маърифатчиларнинг шахсий буюмлари, хотиралар ва ҳоказолар) мавжуд бўлса, уларни бўлажак музей залларида намойиш этиш учун ҳадя қилишингизни ва бу ҳимматингиз орқали хайрли ишга ҳисса қўшишингизни сўраймиз. Айрим қимматбаҳо буюмлар келишилган нархда сотиб олинади».

• *Тарих тилга кирганда*

# ТАЪЛИМ ЖАВОҲИРОТИ

Мурожаатнома газетада босилгач, айрим жойлардан нодир ҳужжатлар кела бошлади. Жумладан, қўқонлик Абдунаби исмли бир йигит музейимизга келиб, отаси Абдуваҳоб Ибодиев 40 йил ўқитувчилик қилганлиги, 1936 йилда биринчи бўлиб Меҳнат Қаҳрамони деган унвонга сазовор бўлганлиги (гувоҳнома лотин алфавитида ёзилган. бу ҳам музейда сақланмоқда), аммо 1937 йилда Сталин қатағонига учраб «халқ душмани» тамғаси остида қатл қилинганлиги ҳақида маълумот бергач, бизга отахоннинг фотосурати, кенг ёзилган таржимаи ҳоли ва «Меҳнат Қаҳрамони» унвони гувоҳномасини ҳадя этиб кетди.

Шунга ўхшаш воқеалар матбуот орқали кенг ёритилмоқда. Масалан, «Туркистон» рўзномасининг 1992 йил 4—11 август сонларида журналист Ҳолида Аҳророванинг ўз отаси ҳақида «Бедарак йўқолган» лавҳасида ҳам 1895 йилда туғилган отаси Саид Аҳроров (Аҳрорий)ни ҳеч қандай айбсиз қатл этилганлиги ҳақида алам билан ҳикоя қилади. Ҳа, эндиликда ўтмишда содир бўлган, аммо шу пайтгача ҳеч қаерда тилга олинмаган мудҳиш воқеалар айтилмоқда.

Музей ходимлари ана шундай материалларни тўплаш билан бирга пойтахтимиздаги дастлаб очилган мактаблар тарихини ўрганиб, 20—30 йилларда фидойилик билан ишлаган марҳум педагогларни излаб топмоқдалар.

Олинган маълумотларга қараганда, дастлаб Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги Шайхонтоҳур даҳасида «Ибрат», Себзор даҳасида «6-Чиғатой», Лангар кўчасида Шамсия-Урфон номли мактаблар бўлиб, мазкур мактабларни ташкил этишда бош-қош бўлган педагогларнинг авлодларини излай бошладик.

Яқинда шу йил 80 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-ўрта мактаб (собиқ 6-Чиғатой номли)нинг ташкилотчиларидан бири — республикада хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, марҳум Иброҳим Тоҳировнинг хонадонида бўлдик. У кишидан ёдгор бўлиб қолган боғ ҳовлида фарзандлари Эркин ва Туйғунжонлар билан суҳбатлашдик. Улар бизни самимий кутиб олиш билан бирга оталаридан ёдгор бўлиб қолган бир чамадонга тартиб билан жойлаштирилган тарихий ҳужжатларни топширишди. Ҳужжатлар орасида кўплаб қимматли фотосуратлар, фотогазеталар бор.

Маннон Уйғур номли 22-ўрта мактаб республикада ибратли билим ва тарбия ўчоқларидан биридир. Бу ерда кўпгина ажойиб устозлар меҳнат қилишган. Ҳозир ҳам сидқидилдан ишлаётган педагоглар анчагина. Биз мактаб директори, Халқ ўқитувчиси Ҳокимжон ака Ҳошимов билан музей учун мактаб ҳаётидан ҳужжатлар тайёрлаётирмиз.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоятларидан музей учун зарур ҳужжатларни тўплаш ҳаракати жадал олиб борилмоқда.

Музей ташкил этиш осон иш эмас. Тўпланган материалларнинг ўз ўрнига қўйиб дид билан безатилиши зарур малакани талаб этади. Бу ишда Ойбек уй-музейининг директори, Ш. Рашидов музейини яратишда фаол қатнашган музейшунос мутахассис Ўткир Ёрмуҳамедов ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Халқ таълими тарихи музейи жумҳуриятимиз зиёлиларининг саъй-ҳаракати билан юзага келаяпти. Маорифимиз жонкуярлари унинг экспонатлари тобора бойиб боришига ўз ҳиссаларини қўшадилар деб умид қиламиз.

**Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,**
**Республика халқ таълими тарихи музейининг илмий ходими.**

*Оила, мактаб ва жамоатчилик*

# БОЛА ТАРБИЯСИГА БЕПАРВО БЎЛМАНГ

Тарихдан шу нарса маълумки, оилалари мустаҳкам мамлакатлар қудратли, бой ва фаровон бўлган.

Хўш, ҳозирги пайтда оилаларнинг аҳволи қандай? Очиғини айтганда, жамиятимиздаги оғир ижтимоий-иқтисодий аҳвол уларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш, нарх-навонинг кескин ўсиб бориши натижасида савдо корхоналари ва унинг майда тармоқлари ходимлари фаолияти билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ўзларича «бозор» очиб олгандек кўринади. Давлат корхоналаридаги нархда барқарорлик кўринмайди. Бир хилдаги маҳсулот жойларда ҳар хил сотилмоқда. Айрим ёшлар сотувчилик билан шуғулланиб, харидорлар ҳақига хиёнат қила бошлади.

Тарбиянинг бузилиб кетиши сабабларидан бири ёшларга тарбия тўғрисидаги насиҳатимиз билан амалда қиладиган ишимизнинг бир-бирига зидлигидир.

Тўғри, шундай оғир даврда фарзандлари тарбияси билан мунтазам шуғулланаётган ота-оналар ҳам кўп. Бундай оилаларда тарбияланаётган болалар ахлоқ-одоби, юриш-туриши билан бошқалардан ажралиб туради. Масалан, Вобкент туманидаги М. Горький номли мактаб директори, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Амрулло Ёрговни олайлик. 4 фарзанди олий маълумотга эга. Ўғилларидан Абдулло Тошкент Халқ хўжалик институтини битириб, Вобкент тумани жамғарма банкида кредит бўлимини бошқармоқда. Шуҳрат Орджоникидзе номли мактабда ўқитувчи, Шавкат — шифокор ва қизи Феруза Горький номли мактабда рус тили ўқитувчиси. Умр йўлдоши Муҳаррам Норова тиббиёт ходими. Болаларнинг бундай обрўга эга бўлишида Амрулло ака ва Муҳаррам аяларнинг хизматлари катта, албатта.

Киши икки нарса билан қаримайди, дейди донишмандлар. Бири гўзал хулқ бўлса, яна бири яхши сўздир. Дарҳақиқат, Амрулло аканинг фарзандлари ахлоқ-одоби ва самимий муомаласи билан эл орасида иззат ва ҳурматга эгадирлар.

Боболаримиз «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим», яъни меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан, деб иш бошлаганлар. Ҳа, Аллоҳнинг номи билан бошланган ишда ғирромлик, юлғичлик, хиёнат бўлмаслиги керак. Эндиликда, биз ҳам дилимизни, ризқу насибамизни, ҳатто, она-Ватан туйғуси ўрнашган қалбимизни тоза тутиш учун ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган урф-одатларимизни тиклашимиз, унга амал қилишимиз зарур.

Улкан аллома Баҳовиддин Нақшбандийнинг «Даст ба ёру бил ба кор», деган машҳур ҳикмати бугунги кунда жуда ҳам аҳамиятлидир. Зоти олийнинг ўзлари бунга ҳамиша амал қилиб келганлар. У киши мадрасага қабул қилиш пайтида бўлғуси талабадан бирор касбинг борми, деб сўрар эканлар. Ҳунарсиз одам ўқишга қабул қилинмаган. Шундайлардан бири бу ҳолнинг сабабини сўраганида, Нақшбандий: «Агар киши ҳунарли бўлса, у билимини ҳақиқатга бағишлайди, ўз меҳнати билан кун кечиради, бордию касби бўлмаса, билимни кун кечиришга сарфлайди, ҳалол меҳнатни унутади», деган экан. Устознинг бу ўгити, афсуски, бизда унутилган.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик кўпайиб боришининг асосий сабабларидан бири, менимча, боланинг оилада ота, мактабда эса эркак ўқитувчилар назоратидан йироқлигидадир. Ўрта мактабларнинг юқори синфларида қаттиққўл, ўз фанининг мутахассиси бўлган эркак ўқитувчиларнинг бўлиши фойдалидир. Биз бу фикримиз билан хотин-қизларни камситишдан йироқмиз. Аксинча, отага бўлган ҳурмат-эътиборни оширмоқчимиз.

Хулоса қилиб айтмоқчиманки, биз учун, жамиятимиз тараққиёти учун етук, баркамол инсонлар керак экан, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтирмоқ лозим. Шундагина бола тарбиясида кўзлаган мақсадга эриша оламиз.

**М. НОСИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Педагогика жамияти Бухоро вилояти бўлими раисининг муовини.**

